

ISSN
2181-2128

2021
v сон



"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"
илмий электрон журнали

"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"
научно-электронный журнал

"LOGISTICS AND ECONOMY"
scientific-electronic journal

www.economyjournal.uz

Электрон журнал Олий Аттестация комиссиясининг миллий илмий нашрлари рўйхатига киритилган.



ТАҲРИИЯТ КЕНГАШИ

Таҳриият Кенгаши раиси

Муҳиддин Бахритдинович Калонов

иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

Таҳриият Кенгаши раиси ўринбосари

Комил Раббимович Хотамов

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бош муҳаррир

Фахриддин Икромович Исаев

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Таҳриият Кенгаши аъзолари:

и.ф.д., акад. Каландар Ходжаевич Абдурахманов

и.ф.д., проф. Абдуқодир Ҳамидович Тошқулов

т.ф.д., проф. Кунгратбай Авазимбетович Шарипов

и.ф.д., проф. Одил Қаландарович Абдурахманов

и.ф.д., доц. Мансур Пўлатович Эшов

и.ф.д., проф. Гулнора Каландаровна Абдурахманова

и.ф.д., проф. Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев

и.ф.д., проф. Нодир Хосиятович Жумаев

и.ф.д., проф. Тулқин Хайитмуродович Фарманов

и.ф.д., проф. Алишер Жўраевич Тўйчиев

и.ф.д., проф. Адҳам Азизович Фаттахов

и.ф.д., проф. Садридин Каримович Худойқулов

и.ф.д., проф. Султонали Умаралиевич Мехмонов

и.ф.д., проф. Шойзоқ Раҳматович Холмўминов

т.ф.д., проф. Алимжон Ахмаджонович Рискулов

и.ф.ф.д.,(PhD) Kliment Lazarashvili (АҚШ, Жоржия ХУ)

и.ф.д., проф. Hermann Sterzinger (Германия, Мюнхен ТУ)

и.ф.д., проф. Masato Hiwatari (Япония, Токио ХУ)

и.ф.д., проф. Михаил Исакович Кутер (Россия Федерацияси, Кубан ГУ)

и.ф.д., проф. Sung Dong Ki (Корея, Сеул МУ)



и.ф.д., проф. Татьяна Борисовна Леберьт (Россия Федерацияси, Урал ГНТУ)
и.ф.д., проф. Зият Ниязович Қурбанов
и.ф.д., проф. Шахноза Жасуровна Эргашходжаева
и.ф.д., проф. Акром Абдиевич Хошимов
и.ф.д., проф. Расул Олимович Холбеков
и.ф.д., проф. Актам Усманович Бурханов
и.ф.д., проф. Баходир Акрамович Хасанов
и.ф.д., проф. Каримжон Бакиджанович Ахмеджанов
и.ф.д., проф. Неъматулла Фатхуллаевич Каримов
и.ф.д., проф. Олим Мамаюнович Пардаев
и.ф.д., доц. Бегматжон Юлдашалиевич Мақсудов
и.ф.д., доц. Нурбек Кадирович Ризаев
и.ф.д., доц. Жаҳонгир Жалолдинович Урмонов
и.ф.д., Исламбек Машарипович Ниязметов
и.ф.д., доц. Нодира Баходировна Абдусаломова
и.ф.н., проф. Шахло Тургуновна Эргашева
и.ф.н., доц. Норбута Эшназарович Бабахалов
и.ф.ф.д (PhD), доц. Мунис Қурбонович Абдуллаев
и.ф.ф.д., проф. Одилжон Собирович Абдураззаков (Германия, Кёльн БМ)
и.ф.ф.д (PhD). Бобир Ортиқмирзаевич Турсунов
и.ф.ф.д (PhD). Мақсуд Сувонқулович Рустамов
и.ф.ф.д (PhD). Илҳом Фиёзович Кенжаев
т.ф.ф.д (PhD). Ботир Инатович Абдуллаев

Масъул мұхаррир

и.ф.д., доц. Гулнора Мардиевна Шадиева

Веб-администратор А.Маматов

Козимжонов А.	Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализация қилишнинг услугий жихатдан такомиллаштириш	159
Мадалиев Т.Э.	Банк тариф сиёсатини такомиллаштириш	166
Мамадалиева Х.Х.	Республика худудларида аҳолининг ташқи ва ички миграция даражасини баҳолаш	176
Гулмуродов К.А.	Енгил саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таҳлилини оқилона ташкил қилиш ҳамда юритиш истиқболлари	184
Махмудов А.Н.	Инновацион ёндошув асосида транспорт - логистика хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	192
Мирзаев Қ.Ж.	Логистик корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг услугий асослари	202
Азизкулов Б.Х.	Ўзбекистон суғорма дехқончилигига сув тарифи ва суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловларни ҳисоблаш методологияси	210
Миркасимов Ж.М.	Переход к «зелёной» экономике как путь достижения устойчивого эколого-экономического развития	224
Муминов Ш.Х.	Мамлакатимизда номоддий активлар молиявий ҳисобини МҲҲСлари асосида ташкил этиш масалалари	229
Ниязметова Ё.Б.	Экспорт салоҳиятини оширишда рақамли инфратузилма яратишнинг долзарб масалалари	236
Нурматов О.Т.	Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича операциялар ҳисоби ва молиявий ҳисботларда акс эттириш	245
Оқмирзаев Д.Д.	Иктиносидий категория сифатида капитал бозорига оид назарий қарашларнинг ривожланиши ва асосий хусусиятлари	263
Ортиков Ҳ.А.	Ўзбекистонда бюджет очиқлигини таъминлашни такомиллаштириш йўналишлари	272
Сайдалиев С.С.	Инвестиция лойиҳаларини банк кредитлари ҳисобига молиялаштиришни такомиллаштириш йўллари	281
Самандарова Г.М.	Мол-мулк солиги ставкаларини белгилашнинг ўзига хос хусусиятлари	292
Сафаров Ф.А.	Навоий вилоятининг маркетинг стратегияси асосида инвестициявий салоҳиятини ошириш имкониятларининг	303
Турғунбоев Б.М.	Эконометрик таҳлили	
Тўлаков У.Т.	Ўзбекистонда электрон тижорат хизматларини қўшилган қиймат солигига тортиш масалалари	314
Турсунов К.Б.	Капиталдан фойдаланиш самарадорлик коэффициентлари	323
Уразалиев К.Т.	Экологик туризм захираларидан оқилона фойдаланиш муаммолари ва истиқболларини баҳолаш масалалари	328
Усмонов Б.А.	Майда партияли юкларни етказиши оптимал режалаштириш	335
Қодиров А.А.	Иктиносидий хавфсизлик даражасига инфляция омили таъсири таҳлили	344
Қўзиев А.Ў.	Взаимосвязь развития человеческого капитала и макроэкономической политики (на примере инфляции)	353
Қурбонов Ш.С.	Халқаро маркетинг тамойиллари асосида тикув-трикотаж маҳсулотлари бозорини сегментлаш	359
Хамидова Ф.А.	Мамлакат инвестицион фаоллик ривожланишининг илмий- назарий жиҳатлари	365
Холбаева С.Р.	Молиявий барқарорлик стратегиясини шакллантиришнинг	
Хошимов О.А.	халқаро амалиёт тажрибалари	
Хусанов Д.Н.	Суғурта ва иктиносидий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни эмпирик моделлаштириш	371
Ҳамдамов О.Н.	Тўлов тизимлари иштирокчилари фаолиятининг таҳлили ва ривожлантириш йўналишлари	379
Шеннаев Х.М.		390
Эрназаров Н.		
Шарипова Н.		



V СОН. 2021

КАПИТАЛДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИК КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Усмонов Б.А.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Мақолада акциядорлик жамиятларида капитал бошқаруви самарадорлигини баҳолашдаги мавжуд муаммолардан келиб чиқган ҳолда тадқиқотнинг долзарблиги асосланган ва капитал бошқаруви самарадорлигининг назарий асослари ёритилган. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлиги бўйича таҳлил амалга оширилган. Шунингдек, олинган натижалар асосида капитални бошқариш самарадорлигини такомилластиришга доир хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: акциядорлик жамияти, баҳолаш, капитал, бошқариш, самарадорлик, таҳлил.

ANALYSIS OF CAPITAL EFFICIENCY RATIOS

Usmonov B.A.
Tashkent state university of economics

Abstract: The article is based on the relevance of the research and the theoretical foundations of capital management efficiency, based on the existing problems in assessing the effectiveness of capital management in joint stock companies. An analysis of the effectiveness of capital management of joint stock companies operating in our country has been conducted. Also, based on the results obtained, conclusions and recommendations for improving the efficiency of capital management were developed.

Keywords: joint stock company, evaluation, capital, management, efficiency, analysis.

1. Кириш.

Акциядорлик жамиятлари капитали ва уни бошқариш самарадорлигини ошириш унинг муваффақиятининг асосий калитларидан бири ҳисобланади. Акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини ошириш деганда, маблағларнинг турли таркибий қисмларини оқилона бошқариб, капитални етарли даражада сақлаб туриш билан бир қаторда, унинг муаммосиз ишлаши учун ликвидлик ва рентабеллик кўрсаткичлари тизимидан фойдаланишдан иборат. Капитал етарли даражада эмаслиги акциядорлик жамиятлари қарз маблағлари миқдорини ошиб кетиши натижасида, унинг ликвидлик ва рентабеллик коэффициентлари пасайишига олиб келиши мумкин. Шундай бўлсада, айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва уни тўғри бошқариш мураккаб вазифалардан бири бўлиб, у капитал миқдори акциядорлик жамиятларининг хусусиятига, фаолият кўлами, ишлаб чиқариш цикли, кредит сиёсати ва бошқа омилларга боғлиқ. Булардан келиб чиқган ҳолда, биз акциядорлик жамиятлари капитали бошқаруви самарадолигини кўрсатувчи кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда унинг капитал бошқаруви ҳолатини таҳлил қилдик.

2. Адабиётлар шарҳи.

Молиявий тадқиқотларнинг мухим қисми компаниялар капиталини бошқариш билан боғлиқ. Бу эса ўз ўрнида ҳам концептуал, ҳам эмпирик даражада кенг ўрганилаётган долзарб масалалардан бири бўлиб, мазкур йўналиш бўйича олимлар турлича тарзда тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олим Sundayнинг (2011) фикрига кўра, акциядорлик жамиятларида капитал

самарадорлигини ошириш тўлов қобилияти ва унинг ликвидлиги учун мухим аҳамият касб этади. Унинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, акциядорлик жамиятлари молиявий холатини барқарорлигини таъминлаш уларнинг молиявий ҳисботлари, назорат тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, ўз маблағларини бошқаришини самарали ташкил этиш, узлуксиз ўсиш ва тўлов қобилиятини таъминлашдан дарак берди.

Alipour (2011) тадқиқотларига асосан, акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш унинг ретабеллигини оширишга хизмат қилибгина қолмай, дебиторлик қарзларини камайтириш орқали акциядорлар учун инвестиция киритиш жараёнига катта имконият беришдан иборат.

Яна бир хорижлик тадқиқотчилардан бири Ganesan (2007) қарашларига кўра, капитални бошқариш самарадорлигини ошириш, айланма маблағларга бўлган талабни минималлаштириш ва мумкин бўлган даромадларни максимал даражада оширишдан иборат. Унинг тадқиқотларига асосан акциядорлик жамиятлари капиталини самарали бошқариш орқали фойдалилик ва рентабеллик даражасини оширишга эришиш мумкин.

Шунингдек, Леланд (1994) ўз тадқиқотига асосан, компанияларнинг капитали таркиби уларнинг қарз капитали қийматини аниқлашда мухим ўрин тутишини айтиб ўтиши билан бир қаторда, қарз капиталининг компания капитали самарадорлигига таъсирини ўрганишда ўз хулосаларини келтириб ўтган. Хусусан, унинг фикрига кўра қарз капиталини ўрганиш нафақат компания капитали самарадорлигини оширади, балки компания келгусидаги режаларини ҳам унга мос тарзда олиб боришини ўз тадқиқотида ўрганган.

Маҳаллий олимлардан Юлдашев ва бошқалар (2013) тадқиқотларига кўра, корхона капитал бошқаруви самарадорлигини оширишда молиявий режалаштириш мухим аҳамиятга эга бўлиб, бу орқали корхоналар даромадлари ва харожатлари ўртасидаги тафовутни бир маромда олиб бориши ҳақида таъкидлашган.

Худойқуловнинг (2021) тадқиқотларига асосан, компанияларнинг қарз капитали қийматини баҳолашда дунё кенг фойдаланаётган коэффициентлардан ҳисбланган, жумладан, қарз қиймати, қарзни хусусий капиталга нисбати, левераж ва қарз коэффициенларидан кенг фойдаланиш орқали компаниялар капитали бошқаруви самарадорлигини ошириш мумкинлиги таъкидлаб ўтилган.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада корреляция ва иқтисодий таҳлил усусларидан фойдаланилган бўлиб, “Фаргона Азот” АЖнинг молиявий ҳисботлари орқали унинг капитал самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

4. Таҳлил ва натижалар мұҳокамаси.

Халқаро амалиётда компаниялар капитал бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг бир нечта маҳсус кўрсаткичлари ва моделлари мавжуд. Ўз навбатида, капитал бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг бир қанча кўрсаткичлари асосида “Фаргона Азот” АЖнинг таҳлили олиб борилди.

Таҳлиллар натижалари ва унга мос тарзда қабул қилинадиган молиявий қарорлар акциядорлик жамиятлари капиталини самарадорлигини оширишда мухим аҳамиятга эга. Таҳлил жараёнидан олинган кўрсаткичларни қўйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.(1-жадвал)

1-жадвал

**“Фаргона Азот” АЖнинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили
2015-2020 йиллар кесимид¹а (%)**

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Активлар рентабеллиги (ROA)	0,024	0,024	0,049	0,444	9,988	17,66 6
Хусусий капитал рентабеллиги (ROE)	0,136	0,043	0,097	0,659	14,207	22,14 8
Сотув рентабеллиги (ROS)	0,087	0,062	0,188	0,854	13,372	19,22 9

¹ Openinfo.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

Молиявий левераж коэф.(The Debt-to-Equity (D/E))	4,53	0,74	0,94	0,48	0,42	0,25
Equity ratio (капитал нисбати)	0,19	0,57	0,51	0,67	0,70	0,79
Капитализация коэф.	0,59	0,19	0,31	0,28	0,26	0,16
Капиталнинг рентабеллиги коэф. (ROCE)	0,01	0,01	0,04	0,01	0,12	0,22

Юқоридаги жадвалда “Фарфона Азот” АЖнинг рентабеллик кўрсаткичлари 2015-2020 йиллар оралиғида таҳлил қилинган бўлиб, унда З та кўрсаткич яъни активлар рентабеллиги (ROA), хусусий капитал рентабеллиги (ROE) ва сотув рентабеллиги (ROS) таҳлил қилинган. 2015-йилда барча кўрсаткичлар белгиланган меъёрлардан паст бўлиб, активлар рентабеллиги 0,02%, хусусий капитал рентабеллиги 0,13%, ҳамда сотув рентабеллиги 0,08 % ташкил этган.

2016-йилга келиб мазкур акциядорлик жамиятининг активлар рентабеллиги коэффициенти “барқарор” даражада бўлиб, 2017 йилда бу кўрсаткич 0,04 % га ўсган ва бу натижа 2018 йил 0,44% га етганлигини кўриш мумкин. Таъкидлаш лозимки, 2019-2020 йиллар мобайнида мазкур коэффициентлар сезиларли даражада ўсиши қайд этилиб, мос равишда 9,9 % ва 17,6%ни ташкил этди.

Хусусий капитал рентабеллиги коэффициенти 2016-йилда 2015-йилга нисбатан пасайиши оқибатида 0,04% ни ташкил этиб, ушбу коэффициент 2017-йилда ижобий томонга ўзгариб 0,09%га етганлигини кўришимиз мумкин. 2018-йилда эса бироз ижобий натижа қайд этилиб, мазкур коэффициент 0,6%га етди ҳамда қолган икки йил, яъни 2019-2020 йиллар мобайнида 14,2% ҳамда 22,1%ни ташкил этиб, бу 2018 йилга нисбатан қарийб 15 ва 23 баробарга ўсанлигидан далолат беради.

Сотув рентабеллиги коэффициентини таҳлил қиласиган бўлсак, 2016-йилда мазкур кўрсаткич 0,02% га камайиб 0,06% ни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 0,04% га ўсиб 0,1% га етганлигини кўриш мумкин. 2018-йилга келиб мазкур кўрсаткич 2017-йилга нисбатан 8 баробарга ўсиб 0,8% га етди. 2019-йилда ушбу коэффициент 13,3% ташкил этган бўлса, 2020-йилда эса 19,2%га етган.

Молиявий левераж коэффициенти 2015-йилда 4,53 га teng бўлган бўлса, 2016 йилга келиб 6,1 баробарга кескин камайиши оқибатида 0,74 натижани қайд этди. Шу қаторда, 2018-йил бу коэффициент 0,94 га teng бўлган бўлса, 2020-йилда қарийб 4 баробарга камайиш ҳисобига 0,25 коэффициентни ташкил этди. 2018-2019 йилларда бу коэффициент мос равишда 0,48 ва 0,42 бўлганлиги кузатилди. Таъкидлаш жоизки, “Фарфона Азот” АЖнинг молиявий левераж коэффициенти сезиларли даражада пасайланлиги ва коэффициент 1 дан кичиклигини ҳисобга олган ҳолда, бу акциядорлик жамияти қарз эвазига фойдасининг бир қисми йўқолаётганлигидан далолат беради. Бунинг олдини олиш ва капитал бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида хусусий капиталнинг ҳажмини ошириш ва қарз маблағлари миқдорини пропорционал даражада камайтириш акциядорлик жамияти капитали бошқарувининг оқилона даражасини акс эттиради.

Капиталнинг нисбати (Equity ratio) йиллар давомида сезиларли даражада ошиб бориб, 2015-йилда 0,19 коэффициент бўлган бўлса, 2020-йилда тўрт баробарга ошиши оқибатида 0,79 коэффициентга teng бўлди. 2016-2017-йиллар давомида бу кўрсаткичлар 0,57 ва 0,51 ларни ташкил этган бўлса, 2018-2019 йилларга келиб 0,67 ва 0,70 коэффициентларни ташкил этди. Бу коэффициентнинг даражаси қанча юқори бўлса шунча яхши натижа бераётганидан далолат беради. Шу билан бирга, “Фарфона Азот” АЖнинг мазкур коэффициентининг юқори даражада эканлиги, акциядорлик жамияти барқарор ва ўзининг маблағлари ҳисобига молиялаштириш имкониятига эканлигини кўрсатиб, инвестицион жозибадорлигини оширишга катта ҳисса қўшади. Бироқ ҳалқаро амалиёт тажрибаларидан маълумки, акциядорлик жамияти ўз ва қарз капиталининг нисбати мос равишда 60:40 ни ташкил этилиши оптималь ҳолат сифатида баҳоланади. Биз мақолада тадқиқ этаётган акциядорлик жамиятининг ўз ва қарз капитали нисбати бўйича вазиятни таҳлил қиласиган бўлсак, 2015 йилда 0,19 коэффициентни ташкил этган бўлса таҳлил қилинаётган қолган йиллар мобайнида 0,6 ва ундан юқори коэффициентни ташкил этганлигини эътироф этиш мумкин.

Капитализация коэффициенти 2015-йилда 0,59 кўрсатиб, 2020-йилнинг охирига келиб 3,75 баробарга камайиши натижасида 0,16 коэффициентни кўрсатди. Бу коэффициентнинг нормал қиймат 1 га teng ҳисобланиб, у меъёрдан қанчалик кўп

бўлса, акциядорлик жамиятининг қарз маблағларига боғлиқлик даражаси юқори ҳисобланади ҳамда акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлиги камайиши мумкин. Бундан ташқари, бу коэффициентнинг меъёридан ортиқ даражада пастлиги бу акциядорлик жамиятининг келажакдаги капитал бошқаруви самарадорлиги билан боғлиқ аниқ стратегиянинг етишмаслигидан дарак беради.

Бундан ташқари, капиталнинг рентабеллиги коэффициенти (ROCE) ҳам акциядорлик жамиятлари капитали бошқарув самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этган бўлиб, бу коэффициент йиллар мобайнида барқарор тарзда ўсишга эга эмаслиги, капиталнинг бошқариш самарадорлиги кўрсаткичи пастлигидан далолат беради. 2015-2016 йиллар давомида бу коэффициент ўзгаришга эга бўлмаганинги ва шу 2018-йилга келиб, яна шу натижани қайд этиши, бу кўрсаткичнинг ишламаётганлигини яққол намоён этади. Шу ўринда бу кўрсаткич, капиталнинг инвесторларга ҳар бир олиб кирилган инвестиция капиталнинг қанча миқдорда маблағлар олиб келишини кўрсатади. Фикримизча, бу кўрсаткичнинг 1 га тенг бўлиши, акциядорлик жамиятлари капитали бошқарув самарадорлигини оптималь ҳолатини кўрсатади, лекин “Фарғона Азот” АЖ нинг 2020-йилга келиб 0,22 коэффициентни қайд этиши бу фойда миқдорининг камлиги ва шу ўринда, хусусий капитал ва қарз капиталининг мутаносиб тарзда тақсимланмаганингидан далолат беради. Фикримизча, қарз капитали ва хусусий капитал миқдорининг ўзаро тўғри пропорционал тақсимланиши, шу билан бир қаторда, акциядорлик жамиятининг соф фойдасини ошириш капиталдан оқилона фойдаланаётганлик даражасини ўзида акс эттиради.

5. Хулоса ва таклифлар.

“Фарғона Азот” АЖнинг олти йиллик молиявий маълумотларидан шу маълумки, акциядорлик жамиятининг активлар рентабеллиги (ROA), хусусий капитал рентабеллиги (ROE), ва сотув рентабеллиги (ROS) коэффициентлари охириги уч йил мобайнида яхши натижа қайд этишига қарамсадан қолган кўрсаткичларда қониқарли даражани кўрсатмоқда, бу эса ўз навбатида капитал бошқаруви оқилона тарзда эмаслигини намоён этади.

Бундан келиб чиқсан ҳолда, қуйидаги тавсияларни келтирамиз:

акциядорлик жамияти томонидан узок муддатли жалб қилинган молиявий ресурсларнинг маълум миқдорини қисқа муддатли жалб қилиниши мумкин бўлган манбаларга алмаштириш орқали қарз маблағларини қоплаш муддатини камайтириш ҳамда олдиндан прогноз қилиш имконияти вужудга келиши мумкин;

давр харажатларининг ҳажмини камайтириш орқали акциядорлик жамияти соф тушум ва соф фойда миқдорини ошириш, чунки бизга маълумки корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири мавжуд харажатлар таркибини оптимальлаштириш ҳисобланади;

хусусий капитал ва қарз капитали миқдорини ҳалқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда ўзаро тўғри пропорционал нисбатда ташкил этиш лозим, шу билан бирга, акциядорлик жамиятининг соф фойда ҳажмини ошириш орқали капитални оқилона бошқариш ва акциядорлик жамиятлари молиявий холатинининг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Kehinde James Sunday. Effective Working Capital Management in Small and Medium Scale Enterprises, International Journal of Business and Management, Vol. 6, No. 9; September 2011. Pp-271-279.

Leland, H., 1994. Corporate debt value, bond covenants, and optimal capital structure. Journal of Finance Vol. 49, No. 4., pp.1213-1252

Mohammad Alipour, Working Capital Management and Corporate Profitability: Evidence from Iran, World Applied Sciences Journal 12 (7): 1093-1099, 2011.p.1093-1099

Vedavinayagam Ganesan, An analysis of working capital management efficiency in telecommunication equipment industry, rivier academic journal, volume 3, number 2, fall 2007.p.-1-10.

Молиявий менежмент. Ўқув қўлланма. А. Юлдашев, И. Сирожиддинов, М. Xусайнов. 2013. 63-бет / Financial management. Study guide. A. Yuldashev, I. Sirojiddinov, M. Xusainov. 2013. p.63

Худойқулов Х.Х. Акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. DSc. ил.дар. диссер. автореф. -Т.: 2021. -21 б. / Khudoykulov X.X. Improving the methodological framework for assessing the capital value of joint stock companies. DSc. abstract written for an academic degree. -T .: 2021. - 21 b.